

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ДАҲОНА

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Амалдаги байналмилаллик

УЧ ЁРҚИН ТАҚДИР

Ҳамроҳим, Ёрқинлоқ қишлоқ Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Холмуҳаммад Тўхтабоев йўл четида икки киши билан суҳбатлашиб турган, кўзлари қисқиб, сарғиш юзли, ўрта яшар одамни кўрсатиб:

— Маллавоё ака шу киши бўлади, — деди, сўнгра кўшни қўйди. — Узи асли ўзбек, лекин кўпроқ қирғиз тилида гапирди. Сабабини ўзларидан сўрайсиз.

Маллавоё ака бу гапни эшитиб кулиб, деди:

— Аяниқ билан бирга яшаётганимизга 36 йил бўлаётди. Энди бизнинг ўзбек, қирғизлигимиз қолдиими?

— Маллавоё ака Турғуноё исмли қирғиз қизига уйланган. Икки миллат вакили биргаликдаги турмуш давомида 7 нафар фарзандни тарбиялаб, воёта етказдилар. Бугунги кунда уларнинг бири колхозчи, иккинчиси тракторчи, бошқаси фермада меҳнат қилади. Маллавоё аканинг ўзи эса Жалолқудуқ районидagi Карл Маркс номи колхозда чойчоначи.

— Оиламизда ўзбек ва қирғиз тилларига бир қилда хурмат билан қаралади. Онаси икковимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам ҳар икки тилда бемалол гапашавераёмиз, — дейди у.

Қизқиб сўрадик: — Шунча йиллик турмушларингиз давомида қелишмовчилик бўлган эмасми?

— Жон бор жойда жанжал ҳам бор деганларидек, кундалик турмушда паст-баланд гаплар бўлиб туради. Лекин миллат тўғрисида гап-сўз бўлган эмас. Тўғриси айтсам, оиламнинг қирғизлиги меннинг ўзбеклигим биланмай кетган. Ўзаро ҳурмат, қадр, оқибат бўлгандан сўнг бошқа гапларга ҳожат қолмайди-да.

Бу ҳикоямиз яна бир Маллавоё ака (афсуски марҳум) ва унинг оиласи, фарзандлари ҳақида.

Маллавоё ака Шарипов узок йиллар Карл Маркс номи колхозда ферма мудирли бўлиб ишлаган. Турмуш йўлдоши Оққизхон қирғиз қизи. Уларнинг содда, аммо тотув оиласида 12 нафар бола намоғла етди. Колхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳаларда уларни уқратиб мумкин, 12 нафар фарзанд, 72 нагара, 40 дан ортдиқ чебара, айтишганига осон. Бунинг устига Оққизхон онанинг бир қизи, бир келини ҳам Қаҳрамон она. Ўзи эса 70 ёшда бўлишга қарамай фарзандларига бош бўлиб пилла қурти боқди. Невақарларига қарайди. Ўғиллари, келинлари ҳам режа, ҳамжиҳатлик билан иш қилишди. Топорқадаги юмушлар, мол-ҳўлини парвартиш ўз ўрнида бажарилди. Шунинг учун ҳам оилда ҳаминша ба-рака, аҳиллик ҳукмон. Маллавоё ака вафотидан сўнг фарзандлари ни ҳам ота, ҳам она бўлиб ардоқ-

лаган табаррук онахоннинг қариллика бўйин эгмай ҳамон гайратлиги, гапта чечанлиги, донолиги ёстиқлоши ва ўз ҳаётининг давомчилари бўлган юздан ортдиқ фарзандларининг қамолдандир.

Остонбой ака Опақаев ҳам шу колхозда яшайди. 32 йилдан зиёд шофёрлик қилади. Турт ўғил, икки қизи бор. Икки ўғли уйланиб, ўзларидан қўяйган. Фарзандлари, келинлари турли соҳаларда меҳнат қиладилар.

— Турмуш ўртоғим Холтожи-хон ўзбек қизи. Ўш шаҳридан қирғизча удум билан олиб қочиб келганман, — дейди у кулиб. — Ма на энди бинойидай чол-кампир бўлиб, келинлар, деваралар кўриб юрибмиз. Аяниқ ҳозир қирғиз тилини мендан ҳам аяниқ билди. Фарзандларимиз ўзбекча ҳам, қирғизча ҳам гапирaverишди. Мен тақдиримдан розиман.

Шу ерда ҳикояларимизга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Аммо бир нарсани айтишни лозим топдик. Биз ким ва қайси миллатга мансуб бўлишимиздан қатъий назар аввало инсонимиз. Демак, ҳаминша инсонларга хос ҳаракат қилишимиз, фикр юритишимиз, мулоҳаза билан иш тутишимиз зарур. Биз бир-биримизни авайлаб-асрашимиз, меҳр-муҳаббат қўрсатишимиз, оқибатли бўлишимиз керак. Меҳр муҳаббат ва эқибатнинг эса ҳеч қачон жинси, миллати бўлган эмас, бўлмайди ҳам.

Р. АБДУРАҲМОНОВА.
Жалолқудуқ райони.

Совет турмуш тарзи

ТОТУВЛИККА НЕ ЕТСИН

Абдулла ака Иброҳимов Улуё Ватан урушига кўнглилллар сафига кетди. Фашистлар билан турт йил жанг қилган, бир неча жойдан яраланиб она қишлоғи — Ғузор районидagi Оқунобоё номи совхознинг Жонбулоғига қайтиб келди. Ногирон бўлишга қарамай, қишлоқдаги ноҳор аҳолини кўриб, фронт орқасини мустаҳкамлаш учун ғалачилик бригадасини, қўйчилик фермесини бошқарди.

Шодмон ака Раҳимовга уйланган, фарзандлар дунёга кела бошлади. Улар 10 нафарга етди. Шодмон ака «Қаҳрамон она» унвонига муяссар бўлди. Ота-она фарзандларини меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг ўқишга алоҳида эътибор бердилар. Ўғил-қизлари Самарқанд, Қарши ҳамда бошқа шаҳарлардаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарда таълим олишди. Ҳозир катта ўғли Бозор — совхозда пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ғўзи — врач, Меҳри — область смета ва лойиҳа бўлимида муҳандис, Сафар — Таллимаржон сув омборида навбатчи, Жамила ясли тарбиячиси, Шоҳида, Нодира исмли қизлари ишда ҳам, юриш-туришда ҳам бошқаларга намуна. Зоҳид, Воҳид, Зулфизор, Моҳиралар Фуқрат номи ўрта мактабда яхши баҳо, намунали ҳуқ билан билим олмақдалар.

Абдулла ака ва Шодмон ака 40 га яқин невар-чеваралари билан фахрланса арзийди. Абдулла ака совхозда ветеранлар, мактабда ота-оналар комитетининг аъзосидир.

Бу пири бадавлат оила ширин ҳаёт кечирмоқда.

Й. МАЛЛАЕВ.

НУРХОНА СОҲИБАСИ

Ленин йўли районидagi Э. Тельман номи 18-ўрта мактаб Турсунованин хушхушра таъриф буюраётган ўқувчилар кундан-кун кўла йиғиб бормоқда. Бундан хурсанд бўлаётган кутубхоначи ҳар бир китобхонинг ўз дунёпарали, севган шоир ва ёзувчиси борлигини ҳисобга олган ҳолда иш юротади. Бундай ўқувчилар билан ишлаш меҳрилик ва зийраклик билан талаб қилади. Г. Турсунова ўзининг касб маҳоратини тобора ошириб бормоқда.

Кутубхонанинг китоб фонди кейинги йилларда ошди. Айни пайтда бу ерда 11.688 та китоб бор. Миқозлар сона эса 530 нафарга етди. Бундан руҳланган Гулчехра жавонларга дид билан терилган китобларни ҳар кунни ҳайта кўздан кечиради.

Ўқувчилар ундан қайси китобни сўрашмасини, Гулчехра қимматли ва саноқли дақиқаларни бекор ўтказмайди. Г. Турсунова китобхонлар билан уларнинг ўқиган китоблари ҳақида суҳбатлар ўтказиб туради. Бу эса уларнинг бадиий адабиётга қизиқлигини ошираётди. Баъзи китобхонлар билан эса алоҳида суҳбат уюштирди. Уларга китобнинг қудратли кучини аниқ мисоллар асосида ташуштиради. Кўпроқ ўқишга ундайди. Натияжада уларда китоба бўлган қизиқини ортмоқда.

Санда Ботирова, Обсют Жураева, Эшнине Жураев, Шўҳрат Турсунов каби фаол китобхонлар Г. Турсунованин яқин кўмакчиларидир. Мактабда ўқувчиларнинг жуда кўли китоб билан дўстлашган.

Т. ЭШКЕЛДИЕВ.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Тўра Тўраевич пиёда юришни, ўзбек тилида гапирини урганаётганмиш.

Энди баъзи шифокорлар беморларни чўнтагига эмас, навбатига қараб қабул қилишгаётганидан хабарингиз борми?

Қишлоқ боғчаларида тайёрланган овқатдан гўшт чиқибди.

«Ўзбекфильм»да кинони ўзбек тилида суратга олишгаётганмиш.

Мактабдаги тасвирий санъат, мусиқа дарсларининг ҳаммаси махсус маълумотли мутахассисларга берилди.

К. СОЛИБЕВ.



Қўприкдаги учрашу.

Н. ШАРИПОВ олган сурет.

БОШҚОТИРМА

1. Майда пул.
2. Самарқанднинг қадимий харобаси.
3. Сигир боласи.
4. Дўст, биродар.
5. Ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб ҳаракати.
6. Полиз экини.
7. Шарт-шароит, имконият.
8. Ўғил ёки қизнинг фарзанди.
9. Елма ар.
10. Ўзбекистон телевидениесининг инфоромацион кўрсатуви.
11. Кондитер маҳсулоти.
12. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси.
13. Қунадалик тирикчилик, яшаш.
14. Зар.
15. Қариндош.
16. Суяк ичидаги ёсимон мода.
17. Кеса аёл.
18. Қурилиш асбоби.
19. Тошкент областидаги кичик шаҳар.
20. Бажарилдиган ишлар тартиби.
21. Ии сон аъзоси.
22. Идиш оғзининг айлана чети.
23. Насрий асар бўлими.
24. Уйин-кудги кечаси.
25. Матад, мақол.
26. Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат.
27. Балиқ тури.
28. Ҳал этилгани лозим бўлган нараса, иш.

Тузуви: Ф. ҒАҒУРОВ.



ОҚ ЙЎЛ

Раънохон Жуманиезова Хоразмда туғилган. Андижонга келиб бўлиб тушган. Хўжаобод район газетасининг муҳаррири. 1959 йилдан буён район, область, республика газет ва журналларида турли мавзудаги хабарлари, шеърлари билан қатнашиб туради.

Раънохон оқила уй бекаси, 5 нафар фарзандининг меҳрибон онаси. У ижод қилишга ҳам вақт топади. Уни ҳаёт қайноқ жойларда: пахта далаларида, чорвачилик фермаларида, ветеранлар давраларида, маориф, маданият муассасаларида, хотин-қизлар ўртасида турли баҳсларда учратиб мумкин.

Шоира шеърларидан тайёрланган гулдастани сиз, газетхонларга тақдир этиб, фикрларингизни билмоқчи.

Биз Раънохоннинг орзулари қанот ёйишга тилан дошмиз.

Рустам РАҲМОН.

СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ҚУМСАШ

Киндик қоним тўкилган юртим. Онам сийнасидек бағринг қўмсайман. Бугун яна тушимда кўрдим. Тўғригини жушиб куйлайман. Кўз олдимда қовун пайқали. Кўй-қўзилар тўла адиллар. Амудайни қалбим найқалиб. Кўёнингдай бақтим жимирлар. Кўз олдимда илк бор боғингда. Бир бўз бола гулча тутгани. Дил розининг айтмоқ чоғида. Қўрға-иеса уни кутгани. Қачонки, мең қайтсам бағрингга. Утининини эслаб яйнайман. Болалигим ўтган кўчангдан. Мен ҳам мағрур қадам ташлайман.

УГИТ

Қизим, ўқиндасан, мендан йироқда. Соғинчдан қўмсайман, тушлар кўраман. Сумбул соғларининг эҳтиёла деб. Ҳар бир тўланини сийлаб ўраман. Ҳа, ҳаёт йўллари чексиз, мураккаб. Дуч келиб қолади илҳино ёмон. Биров гул тутди тинганга матаб. Биров чин дўсту борар ёнма-ён. Адамша йўлдан, йўлдошингдан ҳам. Вилдон, номусингни доим ардоқла. Қулжадай қалқима, бўлма хира шам, Намол топ, юлдуздай бўлиб чарақла!

БОЛАЛИК

Ижод қилмоқчиман олиб қаламни. Столга ўтириб ҳаёл сураман.

СЕҲРАИ ҚУЛЛАР

Сиз суратда кўриб турган Тўйчи Тожибоев одамларга яхши кайфият бахш этувчи диллаш йигит. У Янгийўл районидagi Назарали Ниёзов номи колхозда истикомат қилувчи шофёр оиласида туғилиб камол топди. Ёшлигида артист бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Унинг меҳри тасвирий санъатга тушиб, Низомий номи Тошкент давлат педагогика институтининг рассомчилик-графика факультетига ўқишга кирган эди.

— Туртинчи курсда таҳсил кўраётган кунларим эди, — деб хотирлайди у. — Тошкент давлат циркнинг янги коллективига артистлар қабул қилиниши ҳақидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Бу бахтга муяссар бўладиган омадли ёшларни кўриш мақсадида циркка бордим. Лекин қизиқчиликка даъвогарларга-навбат келганда ўзимни тутиб туролмадим. Рухсат олиб, бир неча томоша кўрсатдим. Натияжада даъвогарлардан фақат мени қабул қилишди.

Шундан кейин Тўйчи Москвада иттифоқ давлат циркида таълим олди, институтни ҳам ташламади, битиргач Янгийўлдаги «Қалдирғоч» ёшлар цирк коллективиди иш бошлади.

Ҳозирги кунда Тўйчи Тожибоев Қувейт ва Иордания мамлакатларига қилинадиган сафарга тайёргарлик кўрмоқда. СССР халқ артистлари А. Алопин, Ю. Никулин, кўз бойлагичлар клубининг президенти В. Руднев каби устозлардан ўрганган хунар сирларни хорижда унга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ДУРАНГ

«Пахтакор» сафардаги учинчи учрашувни Горький да маҳаллиси «Локомотив» командаси билан ўтказди. Ўйнинг биринчи бўлими деярли тенг курашлар остида ўтди. Ҳисобни 6-минутда пахтакорчи Галеев оғди. Шундан сўнг пахтакорлар ярим ҳимоясини Оганесян икки маротаба қўлай имкони ятдан фойдалана олмади.

Майдон эгаларининг 14-минутда уюштирган навбатдаги ҳужуми муваффақиятли яқунланди. Свистун ўзини кўрсатиб, ҳисобни бара-варлаштирди.

Танафусдан кейин матч янада кескин туз олди. 50-минутда Оқуев ўз командасини олдинга олиб чиқди. — 2:1. Орадан 28 минут ўтгач пахтакорчи Пятницкий мез-бонларни ўйинни иккинчи маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этди — 2:2.

Ўтган турда ҳаммаси бўлиб етти учрашув ўтказилди. Дарвозаларга 21 та тўп киритилди. Шулардан 10 таси майдон эгалари, 11 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Икки матчда мезбонлар галаба қозондилар. Шунча ўйинда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Уч учрашувда кучлар тенг леиб, рақиблар оққони бўлиш-иб олдилар.

Ўз майдонда «Кузбасс»ни (Немеров) маглубитга учратган (2:1) «Металлург» ўйинлар жадвалининг юқори поғонасига қўтарилди. За-порожский футболчилар ўн имкониятдан 8 очко тўпла-дилар.

«Қайрат» сафар учрашув-ларини муваффақиятли ўт-казмоқда. Олмаоталик фут-болчилар ўтган турда Воро-нежда «Факел» командаси-дан устун келдилар — 2:1.

Бошқа ўйинлар натижаси: «Ростсельмаш» (Ростов) — «Динамо» (Ставрополь) — 1:3. «Кубань» (Краснодар) — «Котайк» (Абовян) — 1:1. «Нистру» (Кишинёв) — «Ло-комотив» (Москва) — 2:2. «Динамо» (Сухуми) — «Спартак» (Оржоникидзе) — 1:0.

Ўйинлар жадвали

	Ў	Т	О
«Металлург»	5	9-3	8
«Геолог»	4	6-0	7
«Динамо» Ст	5	7-4	7
«Шинник»	4	5-1	6
«Пахтакор»	5	8-7	6
«Қайрат»	5	4-4	6
«Локомотив» М	3	7-3	5
«Нефчи»	5	6-4	5
«Котайк»	3	4-1	4
«Зенит»	4	3-3	4
«Ростсельмаш»	5	6-8	4
«Таврия»	5	1-2	4
«Нистру»	5	6-9	4
«Спартак»	3	4-2	3
«Факел»	4	4-4	3
«Кубань»	5	2-10	3
«Тирас»	5	3-9	3
«Динамо» Сх	3	1-3	2
«Кузбасс»	4	2-5	1
«Локомотив» Г	4	2-8	1

Бугун навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтади. «Пахтакор» Воронежда маҳаллий «Факел» командаси билан учрашади.

И. ФАИЗИЕВ.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Ўқинг, қизиқ!

НОЁБ ТОПИЛАМА

Ҳиндистонлик суа ости ар-хеологлар Ҳиндистон жану-бидеги Тамилнад штати қир-гоғидан 12 километр нарида 2—3 минг йил илгариги дав-рга мансуб иккита қабрини топ-дилар. ЮНИ АХБОРОТ АГЕНТ-ЛИГИНИНГ хабар қилишича, бу археологлар Ҳиндистон оке-анография институти уюшти-рган экспедицияда қатнашаёт-ган эдилар. Қабрлардан ҳар-бирининг атрофи, деда жур-налистларга экспедиция бош-лиғи, таниқли ҳинд археолог-олими С. Р. Рао, чала ишлов берилган улкан харсанг тош-лар билан ўраб қўйилган. Ай-лана диаметри 8—10 метрни

ташкил қилади. С. Р. Рао то-пилган қабрлар мегалитлар — Тамилнад штатининг Ченгал-патту округидagi ибодатхона-ларга ўхшашлигини таъкидла-ди. Олимлар мегалитларни ян-ги эрадан аввалги иккинчи ми-нг йилликка мансуб деб топганлар. Ҳинд экспедицияси океан тубидан сопол буюмлар қол-диқларини ҳам чиқариб олди-лар. Олимлар уларни эрамиз-дан аввалги 1200 йилда ясал-ган, деб ҳисобламоқдалар. Қадимий ҳинд халқларининг анча кейинги даврга мансуб моддий маданият намуналари ҳам топилди.

ҚАТРА

Ҳавонинг совуғи этни, гап-нинг совуғи қалбни қалти-ратади.


Тилин билишдан дилин билиш қийин.

Турган сув тез бузилади.

Фарзандли бўлмагунча ота-она қадрин билмайсан.

Хотиннинг қанақалигини эрининг ёқасидан билса бў-лади.

О. ҲАРАОВ.



«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масыул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масыул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 32-56-33, 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36.

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.